



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 23 сентябрь, № 188 (6623)

Жума

Сайтига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 22 сентябрь кунини Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Аскар Маминини қабул қилди.

Учрашувда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг жорий йил 12 сентябрь кунини Самарқанд шаҳрига ташири чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг жорий йил 12 сентябрь кунини Самарқанд шаҳрига ташири чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Хитой ҳукумати ва халқи, шахсан ўз номидан Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажариш юқлатилганлиги муносабати билан Сизни самимий табриклашга рўхсат этгайсиз.

Хитой — Ўзбекистон муносабатларини бундан буён ҳам изчил ривожлантириш борасидаги қатъий саъй-ҳаракатлар ва эзгу мақсадлар баён қилинган мактубингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман.

Шу йилнинг июнь ойида Бухоро шаҳрига таширими давомида менга ҳамроҳлик қилганлигини яхши эсламан. Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратаман ва Сиз билан яқин алоқаларни сақлаган ҳолда, давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлаш, «Бир кутб, бир йўл»ни биргаликда барпо этиш асосида серқирра амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Хитой — Ўзбекистон муносабатларини мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтариш мақсадида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мувофиқлик ва ҳамкорликни кучайтириш масаласида бир-биримизни қўллаб-қувватлашга доимо тайёрман.

Си Цзиньпин, Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНИЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ва яратилган қўлай шарт-шароитлар натижасида спортчиларимиз томонидан улкан ютуқлар қўлга киритилаётганлиги, айниқса, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, юксак натижаларга эришганлиги ва дунёнинг энг кучли давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлиги ҳамда Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшганлиги, юртимизда спортни кенг оммалаштириш, ёш авлодни миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларидаги катта хизматлари учун қуйидагилар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирлансин:

«Ўзбекистон ифтخори»

Амилова Фотимахон Равшанбек қизи — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Каюмова Нозимахон Номонжоновна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Мусабеков Фирдавсбек Улугбек ўғли — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Намозов Шерзод Насимович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Нигматов Уткиржон Исмаилло ўғли — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Норбеков Хусниддин Қиличбоевич — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Свечников Александр Владимирович — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Тулендибаев Адилжан Ришатович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Абдуллаев Нодирбек Баходиржанович — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Абдухаликов Сардор Абдухаликович — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи
Амилов Равшанбек Кабилджанович — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Саидов Расул Рузиевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Свечникова Елена Юрьевна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Тўраев Шухрат Жўраевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи
Халиков Илхом Нуриллаевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Шшиков Игорь Геннадьевич — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Амилова Ҳайитжон Абдулла қизи — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Бурханова Сафия Камимова — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Одилова Муслима Улугбек қизи — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Паньков Кирилл Дмитриевич — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Усманов Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти

«Дўстлик» ордени билан

Амилов Рустамжон — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

Ахматджанов Умид Махаматджанович — Ўзбекистон Паралимпия ассоциацияси раисининг ўринбосари
Бучинцев Олег Сергеевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Исроилов Шаакрам Халматович — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ректори, Ўзбекистон терма жамоасининг комплекс илмий гуруҳ раҳбари
Лисовская Людмила Вендиктовна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи
Нуруллаев Кахраман Олимович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Паньков Дмитрий Владимирович — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

«Жасорат» медали билан

Абдирашидов Мансур Самат ўғли — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Бобоев Шухрат Шоназарович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Бозоров Ахрор Ботирович — Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Ибрагимов Сервер Юсуфович — Ўқ отиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Нурметова Турсунпаша Бахрамовна — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Рахимова Гулрух Илхамбековна — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Сайидов Феруз Бешимович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Салаева Севинч Одамбой қизи — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Салиев Донёр Нурулла ўғли — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Сахатов Миран Мирюнович — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Тошпулатова Шоҳсанамхон Дилшодбек қизи — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Турсунжўраев Музафар Шухратилло ўғли — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Хамраев Фахриддин Фарходович — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Хорлин Дмитрий Сергеевич — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«Шухрат» медали билан

Амирова Замира Шамильевна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Гафуров Омон Файзуллаевич — Ўзбекистон Паралимпия ассоциацияси бош котиби
Ефимова Наталья Алексеевна — Ўқ отиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи
Жўраев Барно Тўраевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Ибрагимова Альфия Гиласдиновна — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Қазаква Анна Валерьевна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Лутфуллоҳ Хожи ўғли Саъдуллоҳ — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи
Пак Ирина Вячеславовна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Сайидов Шамсиддин Бешимович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Умироқов Фазлиддин Абдулбоқиевич — Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи
Файзиев Тахир Хикматуллаевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Хорлин Сергей Федорович — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 22 сентябрь

Бразилияда бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинлари голиб ва совриндорлари тақдирланди



4-бетга қаранг.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 10 мартда қабул қилинган Сенат томонидан 2016 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 839-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 223-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтган кунга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 22 сентябрь № ЎРҚ-410

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида (янги тахрири)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади Ушбу Қонуннинг мақсади меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонун: корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) билан, шунингдек алоҳида ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимларга; ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган олий таълим муассасалари талабаларига, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларига, бошқа таълим муассасалари тингловчиларига; ташкилотларда ишлаш учун жалб этиладиган ҳарбий хизматчиларга; муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга; суд ҳқмига кўра жазони ўтаётган шахсларга улар жазони ижро этиш муассасалари томонидан белгиланадиган ташкилотларда ишлаши даврида, шунингдек маъмурий қамқоқ олиш тарзидаги маъмурий жазо қўлланилган шахсларга, бошқа турдаги ишларни бажаришга, шу жумладан жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган ишларни бажаришга жалб этиладиган шахсларга нисбатан татбиқ этилади. Ушбу Қонун иш берувчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар бундан буён матнда ходимлар деб аталади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **жамоавий ҳимоя воситалари** — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омил ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омил таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар; **зарарли ишлаб чиқариш омил** — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омил; (Давоми 2, 3-бетларда).



